

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACASI VAZIRLAR MAҲKAMACIсининг  
ҚАРОРИ**811 Андижон вилоятида жойлашган давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Давлат мулки объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва Андижон вилоятида хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Андижон вилояти ҳокимлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, вазирликлар, идоралар, хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда Андижон вилоятида бўш турган, фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари ҳамда ер участкалари хатловдан ўтказилганлиги ва улардан келгусида самарали фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Андижон вилоятидаги ишламай турган, фойдаланилмаётган давлат мулки бўлган объектлардан ва ер участкаларидан фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқлансин, ушбу Дастурда куйидагилар назарда тутилсин:

самарали фойдаланиш учун тадбиркорлик субъектларига, шу жумладан инвестиция мажбуриятлари қабул қилиш шarti билан «нол» харид қийматида сотишга тавсия этилаётган бўш турган ва фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари рўйхати 1-иловага\* мувофиқ;

улар негизида янги кичик саноат зоналари ташкил этиладиган ишлаб чиқариш майдонлари ва ер участкалари рўйхати 2-иловага\* мувофиқ.

3. «Ўзбекэнерго» АЖ ва «Ўзтрансгаз» АЖ кичик саноат зоналари ҳудудларида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини электроэнергия ва табиий газ билан узлуксиз таъминласинлар.

4. Андижон вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Андижон шаҳар ҳокимлиги тасарруфидаги ва Андижон шаҳар, Бобур шоҳ кўчаси манзилида жойлашган собиқ «Бобур» ОАЖга қарашли «Сув тозалаш» бино ва иншоотларини собиқ «Бобур» АЖ ҳудудидаги тадбиркорлик субъектларига сув тозалаш иншоотлари ва ташкилотларга хизмат кўрсатиш фаолиятини тиклаш шarti билан музокаралар ўтказиш ҳамда ижтимоий шартларни бажариш шarti билан «нол» харид қиймати бўйича тўғридан-тўғри олди-сотди шартномалари тузиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

5. Андижон вилоят ҳокимлиги бир ой муддатда тадбиркорлик субъектлари билан музокаралар олиб борилишини ва белгиланган тартибда собиқ «Бобур» ОАЖга қарашли «Сув тозалаш» бино ва иншоотларини «нол» ха-

\* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

рид қиймати бўйича ушбу қарорнинг 4-бандида кўрсатилган шартларда со-тиш тўғрисида Андижон вилояти ҳудудий танлов комиссиясининг қарори қабул қилинишини таъминласин.

6. Андижон вилояти туман (шаҳар)лари ҳокимларига «Давлат мулкани ижарага бериш маркази» ДУК билан биргаликда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун республика давлат бошқаруви органи тасурруфида бўлган туман (шаҳар) ҳудудида жойлашган фойдаланилмаётган давлат мулки объектлари-ни (майдонларини), тегишли туман (шаҳар) ҳокимининг тегишли мурожаа-тидан сўнг икки ой муддатда балансда сақловчилар томонидан уларни ижа-рага бериш таъминланмаган тақдирда, истисно тариқасида, бир йилгача бўлган муддатга ижарага бериш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи бе-рилсин, бунда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда балансда сақловчиларга ажратмалар тегишли туман (шаҳар) бюджетига йўналтири-лади.

7. Андижон вилояти ҳокимига вазирликлар, идоралар ва хўжалик бир-лашмалари — балансда сақловчилар билан келишган ҳолда фойдаланилма-ётган ва бўш турган давлат мулки объектларини, хусусийлаштирилмайди-ган ёки Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига биноан хусусийлаштириладиган объектлардан туман (шаҳар)лар ҳокимликларининг оператив бошқарувига қабул қилиш бўйича қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-публикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Респуб-ликаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривож-лантириш давлат қўмитаси раиси Р.А. Гулямов ва Андижон вилояти ҳоки-ми Ш. Абдурахманов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,  
2017 йил 4 август,  
588-сон